

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Каттақурғон -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник кисм
3. Нархлар кисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Каттақүрғон туман ҳокимлиги “Аёллар дафтаридан” тухум берадиган товук сотиб олиш.
- 1.2. Танлов охирги киймати –тухум берадиган товук 1230 дона 65040 дан жами 79 999 200 (етмиш тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг икки юз) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.  
Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Каттақүрғон туман ҳокимлиги (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.  
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақүрғон тумани М.Улуғбек МФЙ А.Навоий кўчаси 1 уй.
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов Каттақүрғон туман ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйдаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмети кийматининг камида 15 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресуслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўгрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми ( 50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблағи микдори.

- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда

иширок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иширок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мұлқи мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иширок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иширокчилар ўз таклифларини электрон күринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иширокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3. Кушидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
  - Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
  - Техник хужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўхшаҳ хужжатлар руйхати илова қилинади);
  - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши лозим.
- 4.4. Танлов иширокчиси:
  - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
  - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
  - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иширокчилар учун тааълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.

- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибдадавлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўtkазиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тушишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.